Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 28 октябр пайшанба

Сотувда эркин нархда № 212 (2250)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ ҲИНД ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ




Ҳиндистоннинг йирик матбаа компанияларидан бири "UBC Publishiers Distributors Ltd" яқинда Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобини ҳинд тилида нашр этди. Бу нашрга Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Джасвант Сингх сўзбоши ёзди. Сўз бошида бундай дейилади:

"Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида" китобига сўзбоши ёзиш мен учун катта шараф ва имтиёздир. Мен бу китоб Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги чуқур тарихий алоқаларнинг рамзи бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Китобда аср охирида Ўзбекистон олдида пайдо бўлаётган хавф-хатар ва қийинчиликлар кўриб чиқилади ҳамда китобхонлар эътиборига бу хавф-хатар ва қийинчиликларни бартараф этишнинг аниқ, танқидий таҳлилга асосланган стратегияси ҳавола этилади.

Президент Каримов бу китобида маҳаллий можаролар, диний ақидапарастлик ва консерватизм каби салбий ҳодисаларнинг хунук оқибатларини таҳлил қилади. Бироқ бу таҳдидлар алоҳида бир мамлакат доирасида чекланмаган, улар ривожланаётган барча мамлакатларни, айниқса қўшни давлатларни ташвишга солмоқда. Муаллифнинг фикрича, хавфсизликка таҳдид ҳамма ерда вужудга келиши мумкин.

Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари жўғрофий ва тарихий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ. Бу минтақаларнинг миллий манфаатлари сингари, хавфсизлик муаммолари ҳам бир-бирига боғлиқдир.

Китобдаги таҳлил ҳамда хавфсизлик, барқарорлик ва уларни мустаҳкамлаш борасидаги нуқтаи назар хавфсизлигимиз муаммоларини стратегик жиҳатдан таҳлил қилиш билан мунтазам шуғулланаётган сиёсатчи ва социологларимиз учун жуда қимматлидир.

Мен Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга экани ва бу тарих олис мозийга бориб тақалишини ҳамиша таъкидлаб келганман. Лекин бу соҳада кўп иш қилиб бўлмаяпти. Чунки биз кўпинча Марказий Осиё тарихини Ҳиндистонга ҳам таъсир ўтказиб, тарих йўлини ўзгартириб юборган диний ислоҳотчилар билан боғлашга мойилмиз.

Мен Бобурни назарда тутяпман. Бобур ҳам, унга қадар Темур ва Чингизхон ҳам фақат исмларгина эмас, балки тарихимизнинг ажралмас қисми экани ҳақида гапириш ортиқчадир. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг Ўзбекистон билан алоқаларининг батафсил таҳлили етарли эмас. Иккала мамлакатнинг тарихий алоқаларини очиб бериш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Мен Марказий Осиёга илгари ҳам кўп марта борганман. Бу минтақага яқинда қилган сафарим давомида иккала мамлакат тақдири ўтмишдаги каби ҳозир ҳам бир-бири билан туташиб кетганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Мен тараққиётимизнинг Ўзбекистон билан алоқасини эслатиб ўтдим. Кушон, Мўғул даврларининг тарихий ўхшашлиги, Ипак йўлининг бошланиши, мамлакатларимиз ўртасида товар ва ғояларни айирбош қилиш тўғрисида жуда кўп ёзилган. Аммо биз ўрта асрлар даврида нималар бўлгани тўғрисида етарли ахборотга эга эмасмиз. Бу даврда ўша муносабатларни сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракат бўлганми? Ўзаро равнақ ва тараққиёт арафасида бу муносабатларни қайта тиклаш ва мустаҳкамлашни бошлайдиган энг яхши вақтдир.

90-йилларда Марказий Осиё давлатларининг пайдо бўлиши минтақанинг жўғрофий-сиёсий манзарасини ўзгартирибгина қолмай, ўзаро янги, истиқболли муносабатларни ривожлантириш учун имконият ҳам яратиб берди.

Келинг, минтақадаги энг долзарб вазиятни кўриб чиқайлик. Янги мустақил давлатлар ўзларининг илгариги нуфузи ва табиий ресурсларини сақлаб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозир улар ўз тақдирини яратиш билан машғул. Улар улкан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмоқда ва коллектив инвестицияларнинг оқиб келишини рағбатлантирмоқда.

Бироқ, мана шу ўтиш даврида улар ҳам ижтимоий соҳада, жўғрофий жойлашишда, ресурсларнинг нотекис тақсимланишида пайдо бўладиган муаммолар мажмуига дуч келмоқда. Минтақанинг бу жўғрофий-сиёсий ва иқтисодий нозиклиги ташқи кучларни жалб қилмоқда ҳамда бу мамлакатлар учун таҳдидга янги шарт-шароит яратмоқда. Ана шу ташқи кучларнинг айримлари минтақа халқларига ҳайрихоҳ бўлиши мумкин, лекин кўпчилиги ҳайрихоҳ бўлолмайди.

Шубҳасиз, "Катта ўйин"дан мақсад — минтақадаги улкан ресурслар устидан назорат ўрнатишдир. Куч ишлатиш сиёсати минтақага турлича таъсир қилмоқда. Ижтимоий қалтис шароитда диний ақидапарастлар ва террористик кучлар бош кўтармоқда. Афғонистон муаммоси ҳам қўшни мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон чегарадош бўлмаса-да, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий устуворликларида фарқ бўлса-да, икки томонлама дўстона муносабатларни ривожлантириш зарурати мавжуд.

Иқтисодий ҳамкорлик келгусида иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асосига айланиши лозим. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар Ҳиндистон учун технологик ноу-хау ва инфратузилмалар тараққиёти соҳасида жозибали бозордир. Ҳиндистон бу мамлакатларда юз бераётган саноатни либераллаштириш жараёнида иштирок этиб, минтақадаги асосий вазиятдан ўз нафини кўзлаб фойдаланиши мумкин. Ҳозирги даврнинг муаммолари вақтинчалик эканлигини ва улар бу муаммоларни аста-секин бартараф этаётганликларини биламиз. Мен уларнинг ҳозирги муаммолари олдида турган порлоқ истиқболини кўряпман. Қўшма корхоналар орқали Ҳиндистон уларнинг ўз табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишларига ҳисса қўшиши мумкин ва лозим. Ишлаб чиқариш, хизмат, илм-фан ва технология каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга умид боғлаймиз. Биз Марказий Осиё билан муносабатларимизни мустаҳкамлашимиз шарт.

Ҳамкорликнинг яна бир муҳим соҳаси — миллий хавфсизлик ва ижтимоий фаровонлик бўлиб, бу соҳада биз душман кучларга қарши биргалашиб курашмоғимиз зарур. Биз халқаро терорризмга, қурол-яроғ ва ўқдорилар билан ғайриқонуний савдо қилишга қарши биргалашиб курашмоғимиз зарур. Афғонистонда тинчликни тиклаш бизнинг умумий мақсадимиз бўлиб, унга эришиш — афғон халқининг кулфатларини камайтирибгина қолмай, балки Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон океанига чиқишига ҳам кўмаклашади.

Бу янги савдо йўли Ҳиндистоннинг Марказий Осиё бозорига чиқишига ёрдам беради. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган ва биз учун қўшма иқтисодий корхоналарда ҳам, терорризмга қарши курашимизда ҳам муносиб иқтисодий шерик бўлиб қолиши мумкин.

Шу жиҳатдан қараганда, китоб алоҳида аҳамиятга эга. Китоб айни Президент Каримов томонидан ёзилгани асарнинг қадр-қимматини янада оширади.

**Джасвант СИНГХ,**
**ташқи ишлар вазири.**
**"ЎзА - "Жаҳон"**



## «ШУҲРАТ»НИНГ ШУҲРАТИ



*Сирдарёдаги «Шуҳрат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти 1986 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида мазкур жамоа ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришди.*

*Жорий йилда жамият аҳли 14000 тонна шоли қабул қилади. Ҳозир корхонада 200 нафар ишчи ишлаяпти. Ўртача ойлик 11 минг сўмни ташкил этмоқда. Завод эса бир кеча-кундузда 100 тонна шолини қайта ишлаш қувватига эга.*

*Бу ерда ишлаб чиқарилган гуруч юртимизнинг қатор манзилларига, хусусан, Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига жўнатилади. Шунингдек, ҳиссадорлик жамияти қошида «Винклер» кичик нон заводи, макарон ҳамда қандолат цехлари ишлаб турибди. Янги цехларнинг фаолият кўрсатиши натижасида маҳаллий аҳолининг 30 нафари иш билан таъминланди.*

**СУРАТЛАРДА: гуруч цехи ишчиси Собит Атабоев, смена устаси Салим Алиев ва жамият бош муҳандиси Абдуҳамид Худойбердиев; корхона лаборанти Диляра Юнусова гуруч сифатига кафолат беради.**

**Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ГЕРМАНИЯДАГИ ВАТАНДОШЛАР МУРОЖААТИ

Германиянинг Гиссен шаҳрида "Рот-Феранштальтунгес" немис жамияти ташаббуси билан, шунингдек, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ва Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси кўмагида илгари Ўзбекистонда яшаган собиқ ватандошларимизнинг биринчи учрашуви бўлди. Бу учрашув иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мурожаатнома қабул қилдилар. Мурожаатномада шундай дейилади.

Муҳтарам Президент Жаноби олийлари!

Биз, ҳозир Германияда истиқомат қилаётган ҳамда Гиссен шаҳридаги учрашувда иштирок этаётган ватандошлар Сизнинг демократик ислоҳотлар ва мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳормас-толмас фаолиятингизни чин қалбдан қўллаб-қувватлаб, Сизга миннатдорлик мактуби билан мурожаат қилмоқчимиз.

Биз Германияда яшасак ҳам, Ўзбекистоннинг ҳозирги ютуқларини диққат билан кузатиб турибмиз ва бу ютуқлардан хурсанд бўлмоқдамиз. Чунки бундай ютуқларга кўплар ҳавас қилса арзийди.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар давлати, катта умидлар, аҳиллик, якдиллик, тотувлик ва қардошлик мамлакатидир.

Айни шулар Ўзбекистонни демократик, дунёвий тараққиёт йўлидан оздиришга уринаётган барча кишиларга тинчлик бермаяпти.

Бироқ биз Ўзбекистоннинг тинчликсевар халқини ҳеч нарса билан қўрқитиб ва уни танлаб олган йўлидан қайтариб бўлмаслигига ишонамиз.

Биз, бу ерда яшаб туриб ҳам, қалбимизда меҳмондўст Ўзбекистонимизнинг ҳарорати ва ғамхўрлигини, меҳр ва дўстпарварлигини асраб-авайлаган ҳолда Сиз ўтказаётган сиёсатни астойдил қўллаб-қувватлаймиз.

Маънавият, сабр-бардошлилик каби соф инсоний туйғулар миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, кўп миллатли Ўзбекистонда яшаётган барча кишиларнинг табиий фазилатига айлангани бежиз эмас.

Бу фазилат ҳозир Ўзбекистондан ташқарида яшаётган, бу жаннатмонанд мамлакатни ўзининг ҳақиқий Ватани деб билган кишиларга ҳам хос эканига ишончимиз комил.

Ўзбекистонда мамлакатда мустақиллик йилларида тўпланган демократия тажрибасини бутун дунёга намойиш қилиши лозим бўлган сайлов кампанияси бошланган ҳозирги пайтда биз Ўзбекистоннинг биринчи Президенти сайлови чоғида кўпчилигимиз Сизга овоз берганимизни эсламоқдамиз.

Ўтган йиллар Сиз учун овоз бериб адашмаганимизни кўрсатди. Сиз умидларимизни, аввало, Ўзбекистон халқининг умидларини тўла оқладингиз ва ҳозирги даврнинг қийинчиликларига қарамай, мамлакатни танлаб олинган мақсад сари дадил бошлаб бормоқдасиз.

Биз Ўзбекистон иқтисодиётининг гуллаб-яшнашига, ўзбек халқининг фаровонлигига ҳамда Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар мустаҳкам ва ишончли бўлишига бор кучимиз билан кўмаклашишга тайёрмиз.

Сизга чин қалбимиздан мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Юксак эҳтиром билан,

Собиқ ватандошларнинг Гиссен шаҳридаги биринчи учрашуви иштирокчилари:

**Р.АБДУХАИРОВА, Д.БРОНШТЕЙН, Е.ВАГНЕР, Т.ВИДЕР, Д.ДРАХТ, К.ВИШНЕВСКИЙ, Э.МЕНДЕЛЬСОН, А.ПЕПЛЕР, Е.ПЕТКЕ, М.РОТШЕ, Т.ФУЗАЙЛОВА, К.ХОХЛОВ ва бошқалар.**

Таҳлил

## ИСЛОҲОТ ИШОНЧ БАХШ ЭТСА...

### бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш мумкин

- *Ўсиш, улғайиш йўлидан*
- *Зарар кўрувчи корхоналар камайди*
- *Хусусийлаштириш — устувор йўналиш*
- *Тадбиркорга кенг ва тенг шароит*
- *Хотиржамликка ўрин йўқ*

Агар бир йил ўн икки ойдан иборат бўлса, ҳисоб-китоб ҳар чоракда якунланиб борса, шулар ичида тўққиз ой мобайнида эришилган натижалар таҳлили алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, йилнинг тўртдан уч қисмида қилинган ишлар салмоғига қараб, тўлиқ йил якунини ҳам чамалаш мумкин. Қолаверса, хўжалик йили интиҳосида яна нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида хулосалар қилишга имкон туғилади.

1999 йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнидаги ислоҳотларнинг боришини лўнда қилиб макроиқтисодий барқарорлик сари йўл деб аташ мумкин. Буни қуйидаги кўрсаткичлар ҳам исботлаб турибди. Ўтган даврда ялпи ички маҳсулот 104,4 фоиз ўсди, бюджетнинг даромад қисми 100,1 фоиз бажарилди, тақчиллик борасида белгиланган параметрларга риоя қилинди, ташқи савдо балансида ижобий сальдо 10,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Хўш, тўққиз ой ичида корхоналар ўртасида ўзаро тўлов интизоми қай тарзда кечди? Дастлабки маълумотларга қараганда, шу йилнинг 1 октябригача мониторинг белгиланган вазирликлар ва идоралар бўйича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари 1 январдаги кўрсаткичга таққослангандa қарийб 6 баравар қисқарди ва 13,2 миллиард сўмни ташкил этди, кредиторлик қарзлар шу даврда 3 баравар қисқариб, 47,9 миллиард сўмни ташкил этди. Амалга оширилган таъсирчан чоралар туфайли 1999 йил 1 сентябр ҳолатига кўра зарар кўриб ишловчи корхоналар сони йил бошидагига таққосланганда 35 тага ва жорий йилнинг биринчи чорагига нисбатан 153 тага қисқарди. Иқтисодий ночор корхоналар банкротлиги ва санацияси ишларининг фаоллашиши ҳам зарар кўриб ишловчи корхоналар сони қисқаришига таъсир кўрсатди. Ўтган даврда 753 корхона банкрот деб эълон қилинди, 410 корхона тугатилди. Санация қилинган 99 та корхонадан 54 таси ижобий натижаларга эришди, молиявий аҳволи ёмонлашган 8 та корхонада санация қилиш тўхтатиб қўйилди ва банкротлик тартиби ташаббуси билан чиқилди.

Таассуфки, бозор муносабатларига ўтиш даврида бошқаларга намуна бўлиши керак бўлган «Ўзбекенгилсаноат» ва «Ўзмашсаноат» уюшмаларида иқтисодий ночор корхоналар сони кўпайиши тенденцияси сақланиб қолди.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида хусусийлаштиришнинг ўрни алоҳидадир. Шу жиҳатдан қараганда, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда 366 та объект хусусийлаштирилганлиги ва бу кўрсаткич топшириққа нисбатан 110 фоизни ташкил этиши ижобий баҳоланиши мумкин. Хусусийлаштириш жараёнига чет эл инвесторларини жалб қилиш мақсадида 13 та ахборот меморандуми тайёрланди, қатор корхоналарни сотиб олиш учун молиявий консультантларни ёллаш бўйича 8 та тендер ўтказилди. Давлат тасаррруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг умумий тушуми 5 миллиард 116,7 миллион сўмни, шу жумладан фонд бозорида акциялар сотишдан тушган тушум 3 миллиард 719,2 миллион сўмни ташкил этди. Айни пайтда хорижий инвесторларни жалб қилиш ва хусусийлаштириш ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш маблағлари ҳисобига давлат бюджетини тўлдириш топшириғини бажаришда қолоқликка йўл қўйилмоқда. Хусусийлаштиришдан давлат бюджетига атиги 1 миллиард 477 миллион сўм ёки йиллик топшириқнинг 13,1 фоизи тушди.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни жадал тараққий эттиришнинг муҳим омилларидан бири кичик ва ўрта тадбиркорликка кенг шароит яратишдир. Шу маънода юртимизда иқтисодий сиёсатнинг бу йўналишини тўғри тушунаётган раҳбар ва ишбилармонлар мавжуд имкониятларни ишга солиш ҳаракат қилмоқдалар. Шу йилнинг 1 октябридаги ҳолатига кўра рўйхатдан ўтказилган 178,2 минг юридик шахслардан 159,1 минги ёки 89,3 фоизини кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этади. Хўш, бу рақамлар тагида нималар ётибди? Гарчи бир қарашда улар жуда кўп кўринса-да, аслида шунча корхонада мамлакатнинг иш билан банд аҳолисининг атиги 10,5 фоизи (930 минг киши) ишламоқда. Тўққиз ой якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотда кичик ва ўрта бизнес корхоналари салмоғи 12,3 фоизни, шу жумладан, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотида уларнинг улуши 10,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотида 69,6 фоизни ташкил этди. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони ўсди (110,5 фоиз), саноатда (87,5 фоиз), қурилишда (93,2 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда эса (92,3 фоиз) камайди.

Айни пайтда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиши учун барча минтақаларда қулай шароитлар яратилган дея олмаймиз. Айрим жойларда тадбиркорлар ахборотдан, ресурслардан, ташқи бозордан кенг ва тенг фойдалана олмайдилар, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига зид ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилмаган қарорлар қабул қилиш ҳоллари рўй бермоқда. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини тармоқ бирлашмалари аъзолигига (масалан, «Маиший уюшма»нинг ҳудудий бўлимларига) мажбурий жалб қилиш ҳоллари учрайди. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Хоразм вилоятларида текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар етарлича фаолият юритмаяптилар. Оқибатда кўплаб корхоналар ёпилмоқда ва бекор туриб қолмоқда. Умумий рўйхатдан ўтказилган микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналарнинг Сирдарё вилоятида 26,3, Самарқанд вилоятида 31,5, Навоий вилоятида 25,5, Хоразм вилоятида 26,3, Қорақалпоғистонда 37 ва Тошкент шаҳрида 23,7 фоизи фаолият кўрсатмаяпти.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича инвестиция дастурини амалга ошириш ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этади. Жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестицияларнинг асосий ҳажми ёқилғи энергетика (15,6 фоиз), транспорт ва алоқа (12,6 фоиз), металлургия (3,6 фоиз), кимё саноати (3,9 фоиз) мажмуаларини ривожлантиришга йўналтирилди. Ўтган даврда «СамКочавто» қўшма корхонаси, Хўжаобод ер ости газ омбори, Ангрендаги каолин фабрикаси, «Кўкча» тўқимачилик мажмуининг биринчи навбати ишга туширилди. Хоразм вилоятида «Даритал» қўшма корхонасида эркаклар пойабзали ишлаб чиқариш бошланди, телекоммуникациялар тармоғи қурилиши лойиҳасининг биринчи босқичи ва бошқа объектлар якунланди. Шўртан газкимё комплекси, Қўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати қурилиши лойиҳаларини амалга ошириш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини, «Андижон-Ўш-Иркештом» автомобил йўлини, кимё корхоналарини реконструкция қилиш давом этмоқда.

Лекин бир қатор тармоқ ва ҳудудларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришнинг кўзда тутилган марраларига эришилмади. Кўпгина вазирлик ва идоралар дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларини молиявий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан пухта ишлаб чиқишмаяпти, шунингдек, бир қанча ҳокимликлар хорижий инвестицияларни жалб қилишда етарлича фаоллик кўрсатишмаяпти.

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

### И.Р.Мавлановни Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Иброҳим Раджабович Мавланов Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 27 октябр.

## КУБОК МУЗЕЙГА ТОПШИРИЛДИ



Тошкентда бокс бўйича XX Осиё чемпионатининг очилиш маросимида Халқаро бокс уюшмаси президенти, профессор Анвар Чаудри сўзга чиқиб, Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, Президент Ислом Каримовнинг ғамхўрлиги туфайли мамлакатимиз спортчилари сўнгги йилларда дунё аҳлини ўзларининг муваффақиятлари билан ҳайратга солаётганини ва юртимизда спортнинг, хусусан, бокснинг ривожланиши учун барча қулайликлар яратилаётганини алоҳида таъкидлаганди. Бундай улкан хайрли ишларнинг натижаси ўлароқ, Президентимиз Халқаро бокс уюшмасининг Кубоги билан тақдирланди. Аллақачон шаклланган гўзал анъанага мувофиқ, давлатимиз раҳбари бу юксак мукофотни Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейига топширишга қарор қилди.

Олимпия шон-шуҳрати музейида ушбу кубок ва тегишли сертификатни музейга топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда сўзга чиққанлар Президентимизга берилган мазкур кубок мустақил Ватанимиз спортининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи эканлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда сўнгги йилларда аҳолини соғломлаштириш ва спортни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда қисқа вақт ичида кўплаб замонавий талабларга тўла жавоб берадиган муҳташам спорт иншоотлари қад ростлади. Спортчиларимиз халқаро мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб, юртимиз шон-шуҳратини янада оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистонда эса халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. "Юнусобод" спорт мажмуида ўтаётган бокс бўйича XX Осиё чемпионати ҳам бу фикрнинг далилидир.

**(ЎзА)**

1999 5 декабр — САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН — 2000 9 январ

## САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ УЧУН МУҲИМ ҚЎЛЛАНМАЛАР

Мустақил давлатимизнинг тараққиёт йўлидаги амалий тажрибалари тобора бойиб бормоқда. Ана шу тажрибаларга илмий жиҳатдан ёндашиш, уни халқ бойлигига айлантириш, воқеаларга таҳлилий баҳо бериш — ютуқларимизга ютуқ қўшиш ва йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик имкониятини яратмоқда. Ўзбекистонда миллий давлатчилик институтлари, хусусан парламентаризм самарали тарзда ривожланмоқда. Бу ҳолат халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда ва катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Олий Мажлис XV сессиясидаги нутқида Олий Мажлиснинг беш йил давомидаги фаолияти, амалга оширган тадбирлари ва халқаро майдонда тобора ошиб бораётган обрў-эътиборини, аввало, Ўзбекистонда демократик давлатларга хос парламентаризм шаклланиб бораётганининг тасдиғидир, деб таъкидлаган эди.

Яқинда «Ўзбекистон» нашриётида ўзбек ва рус тилларида босмадан чиққан **«Ўзбекистон Республикаси парламенти: биринчи чақириқ Олий Мажлисининг фаолияти»** ҳамда **«Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши»** рисолаларида айнан парламентчилик масаласига кенг тўхталиб ўтилган. Муаллиф, Олий Мажлис Раиси Э. Халилов биринчи рисоласида биринчи чақириқ Олий Мажлиси фаолияти тўғрисида атрофлича фикр юритиб, парламентнинг қонун яратувчилик борасидаги изланишлари, назорат-таҳлил ишлари, халқаро алоқалари, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари бирдамлиги ҳамда ўзаро самарали ҳамкорлигининг ижобий натижалари хусусида ҳикоя қилади.

Иккинчи рисола Ўзбекистон Парламентига сайлов тўғрисидаги қонунларнинг қарор топиши, ривожланиши ва такомилига етказилишининг чуқур илмий таҳлилига бағишланган. Унда мамлакат сайлов тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида сўз юритилиб, Олий Мажлисга ўтказилган биринчи сайловларнинг тажрибаси ва амалиёти умумлаштирилган.

Ҳар иккала рисола ҳам кўп минг нусхада, кенг китобхонлар оммасига мўлжаллаб нашр этилган бўлиб, айниқса депутатлар, сайлов комиссияларининг ходимлари, сиёсий партиялар, жамоат арбоблари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, аспирантлари ва талабаларига, шунингдек депутатликка номзодларга ва биринчи чақириқ Олий Мажлиси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими билан қизиқувчи барча кишиларга тавсия қилиниши мумкин.

## МЕН ОВОЗ БЕРАМАН

**Қалбим, юксакларга қил энди парвоз,**
**Руҳим, мудрамагин, қанотингни ёз!**
**Топталди диёнат неча бир замон,**
**Энди имон учун бераман овоз!**
**Қулнинг сурурига қилмасман ҳавас,**
**Энди озод халқмиз, ҳурмиз — энди бас!**
**Миллатимни сотган ношудга эмас,**
**Тоза виждон учун бераман овоз!**
**Дунёда фаровон, хуррам эллар кўп,**
**Унда ҳар бир инсон эъзозланар хўб,**
**Наҳот бу бахтта биз эмасмиз матлуб,**
**Эзгу даврон учун бераман овоз!**
**Элимнинг қисматин ўйлайман бот-бот,**
**Ҳеч бир кас умидин қилмасин барбод.**
**Хомтама бўлмасин сира худбин зот,**
**Комил инсон учун бераман овоз!**
**Замин узра шундай бир ажиб юрт бор,**
**Тарихи кўп қадим, иқболи пойдор,**
**Тоабад қилиб мен ундан ифтихор,**
**Ўзбекистон учун бераман овоз!**

**Мирпўлат МИРЗО.**

## ТАРАДДУД

Шу кунларда юртимиз сайловлар руҳи билан яшамоқда, десак муболаға бўлмайди. Зеро, мамлакатимиз, халқимизнинг эртанги куни кўп жиҳатдан ушбу сиёсий тадбир қанчалик демократик тамойиллар асосида ўтиши, биз кимлар учун овоз беришимизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида бу борадаги ташвиқот ва тарғибот ишлари кучайиб бормоқда.

Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида ҳам шундай вазият ҳукмрон. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 49-Боғизағон сайлов округида ишлар уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

— Сайловчилар тўлиқ рўйхатга олиб бўлинди, — дейди округ сайлов комиссияси котиби Тўрақул Шерназаров. — Округимиз ҳудудида халқ депутатлари туман кенгашига сайлов ўтказувчи учта округ мавжуд. Уларнинг эшиклари сайловчилар учун доимо очиқ. Ҳар бир фуқаро улардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари мумкин. Аҳоли истиқомат жойларида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилган. Бу борада Узунқишлоқ округ комиссияси раиси Карим Имомов, Боғизағон округи комиссияси котиби Рустам Худойқулов, Охунбобоев округи фаоли Зоир Мирзаевлар алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ

**Республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва туманлари Палаталари қошида фаолият кўрсатаётган 183 та кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи Ахборот-маслаҳат марказларининг кенг тарқалган тармоқлари орқали тадбиркорларга қуйидаги тўлақонли ва барча талабларга жавоб берадиган ҳамда арзон хизматлар кўрсатилмоқда:**

- *Янги корхоналарни очиш учун таъсис ҳужжатларини тайёрлаш;*
- *Инвестиция таклифларининг техник-иқтисодий асосини ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, кредит олиш учун керакли ҳужжатлар мажмуасини ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш, технологик ускуналарни танлаш ва бошқа хизматлар;*
- *Хилма-хил ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, солиқ, молия, банк, суғурта ва бошқа идоралар билан бўладиган ўзаро муносабатларни ташкил қилишда кўмаклашиш;*
- *Иқтисодий, ҳуқуқий, ишлаб чиқариш технологияси бўйича керакли маълумотлар билан таъминлаш ва бошқа зарурий маслаҳатларни бериш.*

***Жойлардаги Ахборот-маслаҳат марказларида Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури ва андозалари асосида тайёрланган малакали мутахассислар ишлайдилар.***

***Ҳурматли тадбиркорлар!***

***Ахборот-маслаҳат марказлари хизматидан самарали фойдаланишга шошилинг!***

**Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи ҳудудий Ахборот-маслаҳат марказларининг МАНЗИЛЛАРИ:**

Нукус шаҳри, А. Темур кўчаси, 112-"А" уй. Тел: 222-02-96

Андижон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 122. Тел: 22-17-37, 22-17-39

Бухоро шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 10. Тел: 3-06-82, 3-43-17

Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 63. Тел: 3-36-43, 3-36-16, 3-16-23

Қарши шаҳри, Мустақиллик майдони, 2. Тел: 4-53-43, 3-06-93, 4-52-67

Навоий шаҳри, Петров кўчаси, 29. Тел: 5-39-60

Наманган шаҳри, У. Носир кўчаси, 7. Тел: 6-61-00, 6-29-29

Самарқанд шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 148. Тел: 31-17-42, 24-06-38

Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 25. Тел: 3-74-15, 3-27-09, 3-08-49

Гулистон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 29, 3-қават. Тел: 25-07-00, 25-47-87

Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси,42. Тел: 67-16-31, 67-15-28, 67-16-30

Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 58. Тел: 24-72-52, 24-43-45

Урганч шаҳри, ал-Хоразмий кўчаси, 27. Тел: 6-52-44, 6-87-50

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 12. Тел: 55-56-33, 55-04-87, 133-27-07

***Мурожаат учун манзил: 700047, Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 6-уй. Ўзбекистон ТИТ Палатаси. Тел.: 1330699, 1320907.***



# КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

EAN ® UZBEKISTAN

***Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси қошида***

## «EAN UZBEKISTAN»

**товар ва хизматларни автоматик идентификациялаш маркази ташкил этилган.**

***Бу марказ «EAN International» Халқаро уюшмаси аъзосидир.***

Мазкур марказ халқаро талаблар даражасида товарлар ва хизматларга EAN штрих кодларини бериш ва уларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда товарларни идентификациялаш тизимидан фойдаланувчилар учун услубий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга штрихли кодлашни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча юридик шахслар ишлаб чиқарган товарларини штрихли кодлашни қуйидаги муддатларда амалга оширишлари керак:

- *экспорт қилинаётган маҳсулотларни, янги товарларни ва улар учун янги этикеткалар ёки ўраш-жойлаш буюмлари, буюртма қилинаётган товарларни тамғалашни 2000 йил 1 мартгача;*
- *бошқа барча товарларни 2000 йил охиригача тамғалаш тавсия қилинади.*

***Эндиликда Сиз ишлаб чиқарган маҳсулотлар қадоқланиши жаҳон талабларига жавоб беради, чунки Ўзбекистон Республикаси ўзининг штрихли кодига эга бўлади.***

**Мурожаат учун манзил: 700047, Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 6-уй. «EAN Uzbekistan».**

**Тел. 132-79-46.**

®/2246

